Автомобиль йўллари қўмитаси Хотин-қизларни қўллаб – қувватлаш бўйича миллий дастурни
2023 йилда амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар
РЕЖАСИ

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
1.	Хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш	Хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган маъруза, тадбир ва давра суҳбатларини ташкил этиш	Доимий	
2.	Мамлакатимизда аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий мавқеини кўтариш борасида меҳнат фаолиятида юқори натижаларга ва ютуқларга эришган аёлларни таклиф этиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тарғиб этиш	“Гендер тенглик сиёсати ва оила институтини қўллаб-қувватлаш жамият ва давлат тараққиётининг муҳим омили”, “Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари”, “Аёлларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш", “Аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни”, “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш” мавзуларида йиғилишлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш	Доимий	
	Иш жойларида тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари олдини олиш, тазийқ ва зўравонлик қайд этилган оилаларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишлар ўтказиш	1. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиш сабаблари, жумладан уларга замин яратадиган омилларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган маъруза ва давра суҳбатларини ташкил этиш. 2. Ходимларнинг оилаларида тазийқ ва зўравонлик қайд этилган ҳолатлари аниқланган ҳолатларда, мазкур оилалар билан профилактик ишлар ўтказиш.	Доимий	
	Тизимда ишлаётган хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш чораларини кўришда мутасадди тузилмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.	1. “Соғлом аёл” дастури бўйича эндокринолог, гинеколог, маммолог мутахассислари тиббий кўрикларини ташкил этиш; 2. Сурункали касалликлари мавжуд аёллар учун соғломлаштириш масканларига йўлланмалар тақдим этиш.	Доимий	
	Фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати билан нафақат ташкилот, балки оиласининг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларни тақдирлаш	Номзодларини “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирлаш учун тақдимнома киритиш.	Ҳар йили январь	
	Байрам тадбирларини ташкиллаштиришда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлаш.	1. Байрам тадбирларида аёлларнинг сўзга чиқишини таъминлаш; 2. Тадбирларни ташкиллаштиришда уларнинг фикри, таклифларини инобатга олиш.	Доимий	
	8-март – Халқаро хотин-қизлар куни байрамига бағишлаб, хотин-қизларга мукофот пули ёки совғалар тақдим этиш ва байрам тадбирини ташкил этиш	Байрам арафасида аёллар кўнглини кўтариш чораларини кўриш.	Ҳар йили март	

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
	Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш	1. Хотин-қизларнинг спорт мажмуаларида шуғулланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш; 2. Теннис, шахмат, шашка бўйича мусобақалар ташкил этиш; 3. Совринли ўринлар ғолибларини эсдалик совғалари билан тақдирлаш.	Доимий	
	Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг нуроний отахону-онахонлари учун маънавий – маърифий тадбирла ташкил этиш	1. Мамлакатимиздаги археологик ва тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларга ташрифлар уюштириш; 2. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга зиёрат тадбирларини ташкил этиш. 3. Фахрийлар учун республикада мавжуд музейлар, пойтахтимизда барпо этилган “Янги Ўзбекистон” боғига саёҳат ташкил этиш.	Доимий	
	Кекса авлод вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш	1. Республикамизда нишонланадиган байрамлар арафасида нуронийлар ҳолидан хабар олиш; 2. Кўнглини кўтариш учун совғалар, пул кўринишида моддий ёрдам, озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этиш.	Доимий	
	Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини ОАВ, расмий сайтларда ёритиш	Тизимда хизмат қилаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, улар томонидан эришилаётган ютуқлар ҳамда гендер тенглик масалаларини оммавий ахборот воситалари орқали фаол тарғиб этиш, вазирликнинг расмий сайтига жойлаштириб бориш.	Доимий	